# ЭЪЛОН!

БЎШ ИШЧИ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Лойиҳаларни бошқариш менеджери(энг кам иш стажи 3-5 йил)(«Лойиҳалар фабрикаси» бошлиғи)

Олий маълумотли (иқтисодиёт, молия ёки бошқа ихтисослик бўйича камида магистр даражаси).

Мажбурий малака ва асосий кўникмалар

- Самарали иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини тушуниш;

- Бошқарув лавозимларида тажрибага эга бўлиш;

- Фикрлаш ва суҳбатлашиш маданияти кўникмаларига эга бўлиш, умумий қонуниятларни билиш, иш натижаларини тўғри (мантиқий) тақдим этиш (ҳисобот тайёрлаш) тажрибасига эга бўлиш;

Керакли профессионал кўникмалар

- Лойиҳаларни бошқариш тажрибасига эга бўлиш ва тамойилларини тушуниш (лойиҳа жамоалари доирасида);

- Лойиҳа ишларини режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;

- Жамоа ичида иш жараёнини белгилаш (ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, талаблар билан ишлаш).

Молиявий таҳлил ва режалаштириш бўйича мутахассис(энг кам иш стажи 2 йил)

Олий маълумотли (молия, бухгалтерия ва бошқа ихтисослик бўйича камида бакалавр даражаси).

Мажбурий малака ва асосий кўникмалар

- Молиявий таҳлил, компаниянинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

- Молиявий оқимларни таҳлил қилиш, лойиҳанинг молиявий режасини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш;

- Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва бизнес-режа, унга қўшимчалар тайёрлаш;

Керакли профессионал кўникмалар

- Компаниянинг молиявий хатарларини бошқариш дастурларини ишлаб чиқиш, лойиҳанинг молиявий режасини шакллантириш;

- Бозор таҳлили ва прогнози;

- MS Office дастурий маҳсулотларини илғор фойдаланувчи сифатида билиш.

Ҳудудий иқтисодиёт бўйича мутахассис(энг кам иш стажи 2 йил)

Олий маълумотли (математика, иқтисодиёт, режалаштириш, молия ёки бошқа ихтисослик бўйича камида бакалавр даражаси).



Мажбурий малака ва асосий кўникмалар

- Ўсиш нуқталарини аниқлаган ҳолда иқтисодий ҳудудий таҳлил ўтказиш;

- Ҳудудий ва республика миқёсидаги молиявий, савдо-иқтисодий алоқаларни таҳлил қилиш, ТИФни тушуниш;

- Ахборот излаш, тўплаш, тизимлаштириш ва ундан фойдаланиш кўникмалари;

Керакли профессионал кўникмалар

- Бизнесни режалаштириш асосларини билиш;

- Бошқарув ҳисоби асосларини билиш;

- MS Office дастурий маҳсулотларини илғор фойдаланувчи сифатида билиш.

ТИФ бўйича мутахассис(энг кам иш стажи 2 йил)

Олий маълумотли (режалаштириш, молия ёки бошқа ихтисослик бўйича камида бакалавр даражаси).

Мажбурий малака ва асосий кўникмалар

- Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида билимлардан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

- Халқаро савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш услубларини билиш;

- Касбий фаолиятнинг аниқ маҳсулотларига экспорт имкониятлари ва импорт эҳтиёжлари масалаларини кўриб чиқиш тажрибаси;

Керакли профессионал кўникмалар

- Бозор сегментацияси, мақсадли сегментларни танлаш ва маҳсулотни жойлаштириш бўйича кўникмаларга эга бўлиш;

- Нарх сиёсати ва товарларни тақсимлаш усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- MS Office дастурий маҳсулотларини илғор фойдаланувчи сифатида билиш.

Мурожаат учун: Фарғона вилояти ҳокимлиги, инвестициялар ва ташқи савдо бўлими

Тел: +998732440757

E-mail: info@ferghana.uz

2020-05-28 15:28:21